

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ №__

_____ шахри

_____.20__ йил

Бир тарафдан АТ “Алоқабанк” (бундан буён матнда “КРЕДИТОР” деб аталувчи) номидан 20__ йил __ _____ даги __- / __-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи _____ филиали бошлиғи _____ тимсолида ва иккинчи тарафдан “_____” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “ҚАРЗДОР” деб аталувчи) номидан устав асосида фаолият юритувчи жамият директори _____ тимсолида (биргалиқда “ТАРАФЛАР” деб аталувчи), ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. “КРЕДИТОР” “ҚАРЗДОР”га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул суммасини (маблағларини) (бундан буён матнда “кредит” ва/ёки “кредит суммаси” деб юритилади) бериш, “ҚАРЗДОР” эса олинган *кредит суммасини* мақсадли ишлатиш, кредитнинг асосий суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “КРЕДИТОР” “ҚАРЗДОР”га _____ учун __ (__) йил (20__ йил __ _____ гача) муддатга асосий қарз тўловлари бўйича __ (__) ой имтиёзли давр асосида йиллик __ (_____) фоиз устама ҳақи тўлаш шarti билан _____ (_____) сўм миқдорида кредит маблағи ажратади.

1.3. “КРЕДИТОР”га “ҚАРЗДОР” тарафидан кредит таъминоти турларидан бири тақдим этилгандан сўнг кредит берилади.

2. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. “ҚАРЗДОР” “КРЕДИТОР” тарафидан ажратилган кредитни тақдим этилган муддатли мажбуриятнома(лар)га ёки кредитни қайтариш жадвалига ва/ёки кредит шартномаси шартларида белгиланган муддатларга мувофиқ қайтаради.

2.2. Кредит учун фоизлар кредит берилган кундан бошлаб кунлик ҳисобланиб, ҳар ойнинг 20-кунидан мемориал ордер билан ундириб борилади. Кредитни қайтариш жадвали ёки мажбуриятномада кўрсатилган кредитнинг қайтариш муддати етиб келганда, “ҚАРЗДОР”нинг ҳисобрақамидан мемориал ордер билан ундирилади.

2.3. “ҚАРЗДОР” кредитни қайтариш муддати бузилган ҳолларда қуйидаги ҳажмларда оширилган фоизлар тўлайди: 30 кунгача кечиккан ҳолларда – йиллик _____%, 30 кундан ортиқ кечиккан ҳолларда – йиллик _____%.

2.4. Кредит учун ҳисобланган фоизлар нақд пул ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида тўланиши мумкин.

2.5. “ҚАРЗДОР” кредит ва/ёки фоизларни тўлаш муддатини бир кунга кечиктирган тақдирда, “КРЕДИТОР” кредитнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

2.6. Мазкур шартнома тузилиши муносабати билан “ҚАРЗДОР”га кўрсатилган ва/ёки кўрсатилаётган барча банк хизматлари учун “ҚАРЗДОР” банк тарифида назарда тутилган миқдорда ва муддатларда “КРЕДИТОР”га банк хизмат ҳақи тўлайди, агар банк Бошқаруви қарори билан бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

2.7. “КРЕДИТОР” томонидан банк хизматларига доир тарифлар қайта тасдиқланган тақдирда, “ҚАРЗДОР” кўрсатиладиган банк хизматлари учун амалдаги янги тариф бўйича хизмат ҳақини тўлайди, агар банк Бошқаруви қарори билан бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

2.8. “КРЕДИТОР” томонидан янги таҳрирдаги тарифларни банкнинг расмий веб сайти (www.aloqabank.uz)да эълон қилиниши, “ҚАРЗДОР”ни бу ҳақда хабардор қилинган деб ҳисоблаш учун етарли бўлади ва унинг шартлари Тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

3. “КРЕДИТОР”НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “КРЕДИТОР”НИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1.1. “КРЕДИТОР” кредит шартномасининг амал қилиш бутун даври мобайнида “ҚАРЗДОР”нинг молиявий аҳволи ҳамда фаолияти натижаларига доир зарурий ҳужжатларни олиш, уларни таҳлил қилиш, зарур ҳолларда тегишли ҳужжатлар юзасидан изоҳ талаб қилиш, шунингдек кредитни мақсадли ишлатилишини бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Кредитдан фойдаланиш даврида гаровга олинган мол-мулкларнинг бозор нархи пасайган, мулк яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги ёки унга зарар етказилганлиги оқибатида кредит қарздорлигини қоплаш учун етарли эмас деб топилган тақдирда, “ҚАРЗДОР”дан қўшимча таъминот талаб қилади.

Кредит таъминотини даврий равишда текшириб, унинг бут сақланаётгани, етарлилиги ва ликвидлигини аниқлаш, гаров мулки бўйича “ҚАРЗДОР” ўз зиммасига олган мажбуриятларни қандай бажараётганлигини кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида назорат қилиб боради.

3.1.2. “ҚАРЗДОР” кредитга ҳисобланган фоиз тўловларини тўлаш тўғрисида ўз вақтида тўлов топшириқномалари тақдим этмаса, бу қарзларни мемориал ордер билан ундириб олади.

3.1.3. Шартноманинг 4.2.16.-бандида белгиланган ҳолатлар юзага келганида қуйидагилардан бири ёки бир нечтасини амалга оширади:

- а) кредитнинг фойдаланилмаган қисмидан фойдаланиш имкониятини чеклайди;
- б) кредит беришни тўхтатади;
- в) кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилади ёки ундириб олади;
- г) мақсадсиз ишлатилган кредит суммасининг 1 %и миқдорида жарима ундиради;
- д) судларга даъво аризаси билан мурожаат қилади;
- е) қонунчиликда белгиланган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

3.1.4. “ҚАРЗДОР” кредит ёки фоизларни шартномада келишилган муддатда қайтармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 280-моддасига мувофиқ, ундирувни гаров предметиға қаратиш учун асослар вужудга келгандан кейин, қарздорликни гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан ундириши мумкин.

3.1.5. “ҚАРЗДОР” кредит ёки фоизларни шартномада келишилган муддатда қайтармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон қарори билан тасдиқланган “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкиға қаратиш тартиби”ға мувофиқ, ундирувни “ҚАРЗДОР”нинг ликвидли мол-мулклари ҳисобига амалга ошириш ҳуқуқиға эға.

3.1.6. Бошқа мажбурий тўловлар бўлмаса “ҚАРЗДОР”нинг ҳисобварағига тушган маблағларни тўловларнинг қуйидаги навбатига мувофиқ қарзни сўндиришға йўналтириш:

- а) кредит учун фоизлар бўйича муддати ўтган тўловлар;
- б) асосий қарз бўйича муддати ўтган тўловлар;
- в) кредит учун фоизлар бўйича муддатли тўловлар;
- г) асосий қарз бўйича муддатли тўловлар.

3.1.7. “ҚАРЗДОР” шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, “КРЕДИТОР” унинг кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича тўлов топшириқномасини ижроға қабул қилмаслиги ёки ижроға қабул қилинган тўлов ҳужжатини ижросиз қайтариши мумкин.

3.2. “КРЕДИТОР”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.2.1. “КРЕДИТОР” “ҚАРЗДОР”ға ажратиладиган кредитни (фоизларни) бухгалтерлик ҳисобини юритиш учун алоҳида тегишли ҳисобварақлар очади.

3.2.2. Кредитни муддатидан олдин ундириб олиш учун етарли асослар юзага келганда, мавжуд қарздорликларни ундириш чораларини кўради.

4. “ҚАРЗДОР”НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “ҚАРЗДОР”НИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1.1. Ушбу шартномада кўрсатилган шартлар асосида белгиланган муддатда ва суммада кредит олади.

4.1.2. Кредитни муддатидан олдин қайтариши мумкин.

4.2. “ҚАРЗДОР”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.2.1. “ҚАРЗДОР” кредит учун ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган шартлар ва муддатли мажбуриятномаларға, шунингдек қайтариш жадвалиға мувофиқ тўлайди.

4.2.2. “ҚАРЗДОР” кредит таъминоти сифатида “_____” МЧЖға тегишли гаров, таъқиқ ва бошқа мажбуриятлардан ҳоли бўлган, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган, _____ ларни гаровға тақдим этади.

4.2.3. “ҚАРЗДОР” ўз мажбуриятларини таъминоти сифатида тақдим қилинган гаров объектини бут ва ишчи ҳолда сақланишини таъминлайди, шунингдек гаровга қўювчи тарафидан бут ва ишчи ҳолда сақланишини назорат қилиб боради.

4.2.4. Кредитнинг камида 125 фоиз миқдорда таъминланганлигини ушлаб туради.

4.2.5. “КРЕДИТОР” олдидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар пул маблағларидан бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қарз бериш учун фойдаланмайди, шунингдек бошқа кредиторлар олдида “ҚАРЗДОР”нинг тўлов қобилияти ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган мажбуриятлар олмайди.

4.2.6. “КРЕДИТОР”ни ёзма равишда хабардор қилмай туриб, шўъба хўжалик жамиятлари (шўъба корхона) ташкил этмайди.

4.2.7. “КРЕДИТОР” ва учинчи шахслар “ҚАРЗДОР”нинг депозит ҳисобварағига бир вақтнинг ўзида тўлов талабномалари тақдим этган ҳолларда (агар 2-картотека бўлмаса), учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлардан аввал, кредитни қайтаришга доир мажбуриятлар бажарилишини биринчи навбатда таъминлайди (биринчи навбатдаги тўловлардан ва суд қарорлари бўйича тўловлардан ташқари).

4.2.8. Олдиндан, яъни кредитни қайтариш ёки кредит бўйича навбатдаги тўлов муддати тугашидан аввал маблағлар тўпланадиган махсус (фоизсиз) ҳисобвараққа кредит ва/ёки фоизлар бўйича келгуси навбатдаги тўлов учун етарли суммани ўтқади ва шундан кейингина “ҚАРЗДОР” фойдасидан муассисларга дивидендлар тўлайди.

4.2.9. Статистика идоралари тасдиқлаган шаклларда тузилган йиллик ва чораклик ҳисоботлар тўпламларини (тегишли солиқ органлари томонидан қабул қилинган баланслар, даромад ва пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисида ҳисобот, асосий фондлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот ва бошқалар), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, муддати ўтган қарзларга доир таққослаш далолатномаларининг иловалари, шунингдек банк талабига кўра назорат ва мақсадли текширувлар ўтказиш учун зарур бошқа ҳужжатларни “КРЕДИТОР”га ўз вақтида тақдим этиш. “КРЕДИТОР”нинг ваколатли мутахассислари бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва омборда ҳисоб юритиш ҳужжатларини ўрганиши учун шароит яратилишини таъминлайди.

4.2.10. Ўз бухгалтерия ҳисобини олиб боришда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига амал қилиш ҳамда ўзининг молиявий ҳисоботларини ҳар йили аудит текширувидан ўтказиб туради.

4.2.11. “ҚАРЗДОР”нинг молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир кўрсатиши, мажбуриятларнинг бажармаслик эҳтимолини келтириб чиқарувчи ҳар қандай нохуш ўзгаришлар ёки юзага келган шарт-шароитлар тўғрисида дарҳол “КРЕДИТОР”га хабар беради.

4.2.12. “ҚАРЗДОР” ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартирилаётганлиги ёки қайта ташкил этилаётганлиги тўғрисида “КРЕДИТОР”ни олдиндан хабардор қилади.

Қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда шартномада кўрсатилган муддатдан қатъий назар зудлик билан кредит ва ҳисобланган фоиз тўловларини тўлиқ миқдорда тўлаш.

4.2.13. Гаров объекти қонунчиликда белгиланган асосларга кўра (жумладан, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун) гаровга қўювчидан олиб қўйилганда ёки гаров объектига зарар етказилганда 10 (ўн) банк иш куни ичида мавжуд кредит ва фоиз қарздорлигини тўлиқ қоплай оладиган бошқа мол-мулк тақдим этади.

4.2.14. “КРЕДИТОР”га тақдим қилган бизнес-режа кўрсаткичларига тўлиқ амал қилинишини таъминлайди.

4.2.15. Кредитдан босқича-босқич ёки қисмларга бўлган ҳолда фойдаланилганда, маблағларнинг мақсадли ишлатилганлигини асословчи ҳужжатларни улар расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш кунидан, шунингдек тегишли ойнинг охириги санасидан кечиктирмасдан “КРЕДИТОР”га тақдим қилади.

4.2.16. Қуйидагиларнинг исталган биттаси ёки бир нечтасининг юзага келганлиги “ҚАРЗДОР” томонидан мажбуриятларнинг лозим даражада бажармалмаётганлигидан далолат беради:

- а. шартнома бўйича ҳар қандай тўловнинг муддатида амалга оширилмаслиги;
- б. кредитнинг тўлиқ ёки қисман мақсадсиз ишлатилиши;
- в. кредит ҳисобига амалга оширилган тўловлар бўйича товарларнинг тўлиқ ёки қисман етказиб берилмаслиги, шунингдек ишлар ёки хизматларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилмаслиги;
- г. ҳисобрақам орқали 90 кун ва ундан ортиқ вақт мобайнида умуман банк амалиётлари (кредитнинг асосий суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўловлардан ташқари) амалга оширилмаслиги;
- д. бухгалтерия ҳисоби ва/ёки ҳисоботининг бузилиши, уларнинг қалбакилаштирилиши, сохталаштирилиши ёки нотўғри ҳисоботларнинг тақдим этилиши;

е. маълумот ва/ёки ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши, сохталаштирилиши ёхуд нотўғри маълумот ва/ёки ҳужжатларнинг тақдим этилиши;

ж. “КРЕДИТОР”ни ёзма равишда хабардор қилмай туриб, устав капитали (фонди)нинг камайтирилиши;

з. “КРЕДИТОР”ни ёзма равишда хабардор қилмай туриб, қайта ташкил этилиши (қўшиб юборилиши, қўшиб олиниши, бўлиниши, ажралиб чиқиши, ўзгартирилиши);

и. “КРЕДИТОР”га фаолияти ва ҳисобот ҳужжатларини текширишга тўсқинлик қилиниши ёки ҳужжатларини тақдим этишдан бош тортилиши;

к. таъминот объектига зарар етказилганлиши ёки талон-тарож қилиниши;

л. учинчи шахслар олдида муддати ўтган мажбуриятларнинг мавжудлиги;

м. кредит таъминоти ўз ликвидлиги, қиймати ва кучини йўқотиши;

н. ваколатли органлар томонидан “ҚАРЗДОР”га нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши;

о. “ҚАРЗДОР”нинг банкрот деб эълон қилиниши ва ҳ.к.;

п. “ҚАРЗДОР”нинг шартнома шартларини бажармаслиги.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. “ҚАРЗДОР” мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни ёки лозим даражада бажаришни кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.2. “КРЕДИТОР” томонидан кредит шартномаси бўйича фоиз, комиссия ва неустойка (штраф, пеня)ларни ҳисоблаш ва ундириш, шунингдек жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3620-сонли қарори талабларига риоя этилади.

5.3. “ҚАРЗДОР” томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги ҳолати юзага келганда “Кредитор” қарздорнинг кредитдан кейинги фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриши ёки шартномани бекор қилиши ҳамда кредит маблағини тўлиғича ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилиши мумкин.

5.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ миқдорда тўлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда жавоб беради.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарликлар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

6. ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР

6.1. Тарафлар энгилмас куч таъсиридаги ҳолатлар (форс-мажор), яъни тарафлар олдини ололмайдиган, уларнинг иродаси ва хоҳишидан ташқари вужудга келадиган ҳолатлар натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликларини исботлаб бера олсалар ва тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш учун мавжуд барча чораларни кўрган бўлсалар, жавобгарликдан озод этиладилар.

6.2. Форс-мажор ҳолатларга ёнгин, сув тошқини, zilзила ва бошқа табиий офатлар, эпидемия, техник фожеалар, ҳарбий ҳаракатлар, фавқулотда вазиятлар, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар, банк тўлов тизими ишдан чиқиши, электр тармоқларининг узилиши ва бошқа шу каби ҳолатлар киради.

6.3. Форс-мажор ҳолати натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаган тараф бошқа тарафга ушбу ҳақида форс-мажор ҳолати вужудга келган кундан бошлаб уч кун ичида хабар бериши шарт.

6.4. Форс-мажор ҳолатлар вужудга келган ҳолларда, шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши форс-мажор ҳолат давом этган муддатга кечиктирилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартномани бажарилиши билан боғлиқ тарзда тарафлар ўртасида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар ўзаро келишув орқали ҳал этилади.

7.2. Вужудга келган низо ва келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ўзаро ҳал этилмаса, улар суд тартибида кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бир тарафлама ўзгартиришга ёки бекор қилишга йўл қўйилмайди, мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.2. Мазкур шартномани бекор қилмоқчи ёки ўзгартирмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш шартларини кўрсатган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисида таклиф юборади.

8.3. Мазкур шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги таклифни олган тараф, уни олган кундан бошлаб 10 кун ичида таклифни кўриб чиқиб, иккинчи тарафга жавоб хати юборади. Ушбу муддат ичида таклифни олган тараф иккинчи тарафга таклиф юзасидан жавоб хати юбормаган тақдирда, таклиф юборган тараф шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.

8.4. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар ёзма шаклдаги қўшимча битимлар билан расмийлаштирилган ҳолда унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва имзоланган кундан қонуний кучга киради.

9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан имзолаган санадан бошлаб қонуний кучга киради ва тарафлар шартномадан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб бўлгунларига қадар амал қилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ ЯКУНИЙ ШАРТЛАРИ

10.1. Мазкур шартнома ҳар бири бир хил юридик ҳужжат мақомига эга бўлган иккита нусхада тузилган бўлиб, бир нусхадан тарафларда сақланади.

10.2. Ўзларининг юридик манзиллари ўзгарган тақдирда, томонлар бир-бирларини бу ҳақда хабардор қилишлари шарт.

10.3. Мазкур шартнома шартлари, унга киритилган қўшимчалар ва шартнома юзасидан тарафлар олган бошқа маълумотлар конфиденциал ҳисобланиб, ошкор этилмайди. Ушбу шарт томонлар ваколатли давлат органларига ахборот бериши, шунингдек қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда расмий органларга ҳисобот тақдим этиши ҳолларига даҳлдор эмас.

10.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ҳал этилади.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТИЛАРИ:

“КРЕДИТОР”

“ҚАРЗДОР”

АТ “Алоқабанк”
_____ филиали

“_____” МЧЖ

х/р _____
МФО _____
СТИР _____
Манзил: _____ ш., _____ кўчаси __-уй
Тел: _____

х/р _____
МФО _____
СТИР _____
Манзил: _____ ш., _____ кўчаси, __-уй.
Тел: _____

Филиал бошлиғи:

Директор:

Бош бухгалтер:

Бош бухгалтер:

М.Ў.

М.Ў.

Юридик хизмат бошлиғи
